

**“MA’QULLANGAN”**  
**O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**SOQ’LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI**  
**Dori vositalari va tibbiy texnika sifatini**  
**nazorat qilish Bosh boshkarmasi**  
**“21” 10 2015 N 23**

**Қўллаш бўйича йўриқнома**  
**БРОНХИКУМ® С**  
**BRONCHICUM® S**

**Препаратнинг савдо номи:** Бронхикум® С

**Дори шакли:** сироп.

**Таркиби**

100 г сиропда сақланади:

*фаол компонентлар:* тоғжамбул ўтининг суюқ экстракти -15 г;

(Экстрактни экстрагентга нисбати =1:2-2,5)

Экстрагентни таркиби: аммиакнинг 10% эритмаси (оғирлик/оғирлик), 85% ли глицерин, 90% ли этанол (хажм/хажм), сув нисбатда (1 : 20 : 70 : 109)

*ёрдамчи компонентлар:*

натрий бензоати, тозаланган сув, атиргул мойи, асал ароматизатори, олча ароматизатори (концентрилланган олча шарбати), қанд инверт сиропи (сахароза, декстроза, фруктоза) суюқ декстроза (суюқ глюкоза), қандли шарбат 67% (сахароза), лимон кислотаси моногидрати.

**Таърифи:** тиниқ ёки бироз хира, қизғиш-жигарранг рангли, кучсиз асал хидили эритма.\*

\* Препаратли флаконнинг тубида чўкма ҳосил бўлиши мумкин.

**Фармакотерапевтик гуруҳи**

Ўсимликлардан олинадиган балғам кўчирувчи восита.

АТХ коди: R05CA

**Фармакологик хусусиятлари**

Препарат бронхларни кенгайтирувчи, балғам кўчирувчи, яллиғланишга қарши ва микробларга қарши таъсирга эга. Балғамнинг суюлиши ва қовушқоқ бронхиал ширани йўтал билан кўчиб чиқишини ошириш қобилиятига эга.

**Қўлланилиши**

Юқори нафас йўллари яллиғланилиши билан бирга балғам қийин ажраладиган йўтал ҳолатларини комплекс давоси даврида балғам кўчирувчи восита сифатида қўлланилади.

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

Препаратни компонентларига шахсий сезувчанлик, фруктозани туғма ўзлаштираолмаслигида, глюкоза-фруктоза мальабсорбциясида, сахароза ва изомальтаза ферментларининг етишмовчилигида, сурункали юрак етишмовчилигида (декомпенсация даврида), буйраклар ва жигар фаолиятининг оғир бузилишларида, гўдакларда (6 ойгача) қўлланилиши ман этилади.

Препарат таркибида этил спирти мавжудлиги туфайли, Бронхикум С сиропи алкоголизмга дучор бўлган беморларда ишлатилмаслиги керак.

**Эҳтиёткорлик билан** ва фақат шифокор маслаҳатидан кейин жигар, бош мия касалликлари, тутқаноқи бўлган беморларда қўллаш керак.

**Ҳомиладорлик ва эмизикли даврда қўлланилиши**

Ҳомиладорлик ва эмизикли даврда препаратни қўллаш тавсия этилмайди.

### **Қўллаш усули ва дозалари**

Агарда шифокор бoshqача қабул қилиш тартибини буюрмаган бўлса, *катталарга* ва *ўсмирларга* 2 чой қошиқ сиропдан (10 мл) суткада 3 марта буюрилади;  
*болаларга* (6-12 ёш) – суткада 3 марта 1 чой қошиқдан (5 мл);  
*кичик ёшдаги болаларга* (2-6 ёш) суткада 1 чой қошиқдан (5 мл) 2 марта;  
*кўкрак ёшидаги болаларга* (1-2 ёш) 0,5 чой қошиқдан (2,5 мл) суткада 3 марта;  
*кўкрак ёшидаги болаларга* (6 ой -12 ой) 0,5 чой қошиқдан (2,5 мл) суткада 2 марта буюрилади.

Йўталга қарши сиропни сутка давомида тенг вақт оралиғида қабул қилиш лозим. Препаратни қабул қилиш давомийлиги терапевтик эҳтиёж ва касалликни давомийлигига қараб белгиланади.

Препаратли флаконнинг тубида чўкма ҳосил бўлиш эҳтимоли борлиги туфайли, флаконни қўллашдан аввал яхшилаб силкитиш керак.

### **Ножўя таъсири**

Жуда кам ҳолатларда куйидаги реакциялар бўлиши мумкин:

*аллергик реакциялар*: тери тошмалари, эшакеми, ҳамда юз ва оғиз бўшлиғи қаватлари ва томоқни шиши (Квинке шиши).

*меъда-ичак йўллари томонидан*: кўнгил айниши, гастрит, диспепсия.

Бундай ҳолларда препарат қабул қилишни тўхтатиш ва шифокорга мурожаат қилиш лозим.

### **Дозани ошириб юборилиши**

Бронхикум С йўталга қарши сироп қабул қилинганида заҳарланиш ривожланиши ҳоллари ҳақида хабар берилмаган.

### **Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири**

Балғам ҳосил бўлишини камайтирадиган йўталга қарши дори воситалари билан бирга қабул қилиш тавсия этилмайди, суюлган балғамни кўчишини қийинлаштиргани туфайли.

### **Махсус кўрсатмалар**

Бронхикум С сиропи 4,9 ҳажм % этил спирти сақлайди.

Препарат таркибидаги мутлақ этил спиртининг граммларда, максимал бир марталик ва суткалик дозаларда сақланиши.

Максимал бир марталик ва максимал суткалик дозалар	Мутлақ этил спиртининг миқдори, граммларда
<i>Катталар ва ўсмирлар</i>	
Бир марталик доза 10 мл	< 0,3867
Суткалик доза 30 мл	< 1,1601
<i>6 дан 12 ёшгача бўлган болалар</i>	
Бир марталик доза 5 мл	< 0,1934
Суткалик доза 15 мл	< 0,5801
<i>2 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар</i>	
Бир марталик доза 5 мл	< 0,1934
Суткалик доза 10 мл	< 0,3867
<i>1 ёшдан 2 ёшгача бўлган болалар</i>	
Бир марталик доза 2,5 мл	< 0,0967
Суткалик доза 7,5 мл	< 0,2900
<i>6 ойдан 12 ойгача бўлган болалар</i>	
Бир марталик доза 2,5 мл	< 0,0967
Суткалик доза 5 мл	< 0,1934

Агарда бемор ҳолати яхшилабмас, ёки беморда нафас сиқиши, йирингли балғам, ҳамда тананинг юқори ҳарорати кузатилса, бу ҳолда дарҳол шифокорга мурожаат қилиш керак.

**Қандли диабет бўлган беморлар учун маълумот.**

5 мл сироп (тахминан 1 чой қошиқ) 0,3 НБ (нон бирлиги) мувофиқ келади.

**Транспорт воситалари ва механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири.**

Препаратни қабул қилиш даврида диққатни жамлаш ва психомотор реакцияларни тезлигини талаб қиладиган хавфли ҳаракат турларини бажаришда эҳтиёткорлик чораларини кўриш лозим (шу жумладан транспорт воситаларини бошқариш, ҳаракатланувчи механизмлар билан ишлаш).

**Чиқарилиш шакли**

100 мл дан препарат пиша флаконда. Флаконнинг қоққоғига қўшимча пластмасса стакан-дозатор жойланган. Ҳар бир флакон кўллаш бўйича йўриқномаси билан бирга картон қутига жойланган.

**Яроқлилиқ муддати**

3 йил. Яроқлилиқ муддати тугаганидан кейин кўллаш мумкин эмас. Флакон очилганидан сўнг йўталга қарши сиропини 3 ой давомида қабул қилиниши мумкин.

**Сақлаш шароити**

+25°C дан паст ҳароратда, болалар олаолмайдиган жойда сақлансин.

**Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз.

**Ишлаб чиқарилган:**

A.Nattermann & Cie GmbH

Nattermannallee 1, D-50829 Köln, Germany

А.Наттерманн энд Сие ГмбХ

Наттерманнallee 1, Д-50829 Кёльн, Германия